



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“KAFIL SUG`URTA” АЖ

Бошқарув раиси

Ф.Артиков

“KAFIL SUG`URTA GRANTI” ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

“KAFIL SUG`URTA GRANTI” танлови Тартиби “KAFIL SUG`URTA” суғурта компанияси томонидан республикамиздаги етакчи олий таълим муассасаларида тахсил олаётган иқтидорли ва ташаббускор талабаларни рағбатлантириш ва уларни иқтисодиёт ва ахборот технологиялари бўйича билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида танлов ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

Мазкур танлов ҳар ўқув йилининг сентябр - октябр ойларида ўтказилиб, унда иштирок этиш ҳуқуқи қуйидаги олий ўқув юрғларининг барча йўналишларидаги бакалаврият ҳамда магистратуранинг сўнгги босқичи кундузги бўлимида тахсил олаётган талабаларга берилади:

- Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;
- Тошкент давлат иқтисодиёт университети;
- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети;
- Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети;
- Тошкентдаги ИНХА университети;
- Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университети;
- Тошкент Кимё халқаро университети;
- Осиё Халқаро Университети;
- Тошкент менежмент ва иқтисодиёт институти;
- ISFT институти;
- ва бошқалар

“KAFIL SUG`URTA GRANTI” танлови 2 босқичда ташкил этилади ва ўтказилади.

Танловнинг **биринчи босқичида барча номзодлар 2025 йилнинг 25 сентябрь санасидан 10 октябрь санасига қадар tanlov@kafil.uz электрон почта манзили орқали қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда топширишлари талаб этилади:**

- талаба ёки магистрантнинг ўзи тўғрисида белгиланган шаклдаги

маълумотномаси (резюме).

- номзоднинг рейтинг дафтарчаси Academic Transcript нусхаси:

Комиссия томонидан рўйхатга олинган номзодлар, уларнинг маълумотлари 5 (беш) иш кунда кўриб чиқилади ва қуйдаги асосий талаблар бўйича номзодлар сараланади:

- Сўнгги ўқув йили якунига кўра юқори рейтинг кўрсаткичига ега бўлиши;
- Давлат тилини мукаммал даражада эгаллаган бўлиши;
- Рус, инглиз ва бошқа тилларини юқори даражада билиши.

Танловнинг **Иккинчи босқич 27-30 октябр кунлари** онлай ва оффлайн тарзда соҳа бўйича қизиқишлари ҳамда келажакдаги режалари юзасидан оғзаки суҳбат тарзда ўтказилади. Суҳбат давомида номзоднинг билими билан биргаликда интеллектуал қобилияти ва ахлоқ-одоби сифатлари баҳоланади ҳамда унинг университетни тамомлагандан сўнг Жамиятда меҳнат фаолиятини юритиш истаги инobatга олинади.

Ғолибларни аниқлашда номзодларга устунлик берадиган мезонлар:

- ACCA ва бошқа халқаро даражадаги молиявий сертификатларга ега бўлиш;
- Big Data (катта маълумотлар) билан ишлаш кўникмасига эга бўлиш;
- IELTS сертификатида юқори балл;
- Иқтисодиёт, молия ёки ахборот технологиялари йўналишидаги халқаро ёки республика миқёсидаги олимпиадаларда ғолиб ёки совриндор бўлиш.

“KAFIL SUG`URTA GRANTI” танлови ғолиблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг камида уч барабари миқдорида ўқув йили учун стипендия билан тақдирланадилар.

Ғолиблар танлов асосида саралаб олинади ва улар “KAFIL SUG`URTA” суғурта компаниясида амалиёт ўташ ёки иш ўрганиш имкониятига эга бўладилар. Бу жараён талабаларга амалиёт билан яқиндан танишиш, назарий билимларини амалий тажриба билан бойитиш имконини беради.

Танлов иштирокчиларини баҳолаш Жамият Бошқарув раисининг тегишли буйруғи билан тасдиқланадиган ва 5 кишидан иборат Танловни ўтказиш ва ғолибларни аниқлаш комиссияси (кейинги ўринларда – комиссия) томонидан амалга оширилади.

Танлов ғолиблари олий таълим муассасалари ҳамда Жамиятнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлари орқали эълон қилинади.